

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОГИНИНГ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шерматов Абдулаҳад Абдухолисович,
НамМТИ доценти
Email: abdulahad_sh@mail.ru

Аннотация: Мақолада Наманган вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат тармоқларининг улуши ва тармоқлар кесимида ишлаб чиқариши ҳажмининг ўзгариши динамикаси таҳлил қилиниб, уни ривожлантириши бўйича таклиф ҳамда тавсиялар баён этилган.

Аннотация: В статье анализирована доля отраслей в ВВП Наманганской области и динамика изменения в разрезе отрасли, предложены рекомендации по её развитию.

Annotation: In this paper have been discussed share of branch I GDP of Namangan region and dynamic, by author supposed recommendations of its development.

Калим сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, иқтисодий ривожланиши, рақобатбардош, саноат тармоқлари, статистик гурӯҳлаш, аналитик ҳисоб.

Кириш

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг қўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, жумладан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – иқтисодиётни эркинлаштириш орқали аҳолига эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашдан иборат. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ичida енгил саноат ҳам ўз ўрнига эга. Чунки, республикамиз саноат ишлаб чиқаришда енгил саноат тармоғи етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши саноатнинг жадал суръатда ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси - бу ислоҳотларни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташабbusлари билан амалга оширилаётган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”[1] бўйича тегишли бандларида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори, барқарор суръатларини, самарадорлигини таъминлашдан иборатdir.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Саноат корхоналарининг ривожланиши, ресурслардан самарали фойдаланишни бошқариш, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларининг назарий, услугий ва амалий жиҳатлари бўйича: иқтисодиётнинг микро-макро даражаси, мазмун ва моҳияти ҳамда аҳамияти тўғрисида С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи[2], корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш усуллари ва уни амалиётга жорий қилиш бўйича Ю.В.Черникова, Б.Г.Юн, В.В.Григорьев[3] Ю.П.Анисин[4]лар, маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан корхоналар иқтисодиёти ва уни саноатда юритилишининг моҳияти, ташкил этилиши Х.Э.Махмудов[5], А.Ортиқов[6]ларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Уларнинг асарида ва илмий ишларида саноат корхоналарини ривожлантиришнинг назарий ва услугий асосларини такомиллаштириш, корхоналарда меҳнат унумдорлигини бошқариш ва уни самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда тавсиялар берилган. Юқорида келтириб ўтилган иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ва бошқа иқтисодий илмий тадқиқот ишларида саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш шароитида, унинг самарадорлиги ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш механизмлари тўлиқ акс этмаган. Шу сабабли, ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг локомотиви бўлган саноат корхоналари самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ҳолатлардан келиб чиқиб ушбу битирув-малакавий ишининг мавзусини танлашга, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқот методологияси

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш асосан ишлаб чиқариш сарф-харажатларини пасайтиришга эришиш, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш орқали, унинг узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлаш эса тўғри қарор қабул қилиш ҳамда стратегияни аниқ танлаш асосида амалга оширилади. Бунинг учун эса ўтган давр ишлаб чиқариш натижаларини тўғри таҳлил қилиш ва баҳолаш талааб этилади.

Шу маънода, мақолада Наманган вилояти саноат тармоқларида кўп йиллик ўсиш тенденцияларини таҳлил қилишда статистик гурухлаш усулидан ҳамда тармоқ фаолиятини таҳлил қилиш ривожлантириш йўлларини белгилаш учун аналитик ҳисоб усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳукуматимиз томонидан аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни олиб борилаётганлиги, республиканинг барча ҳудудларида иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўйича учинчи йўналишида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш вазифалари белгилаб қўйилди.

Иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келажак учун пухта ва ҳар томонлама асосланган муҳим вазифалар ва устувор йўналишларни қамраб олувчи иқтисодий тараққиёт дастурларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Бунинг учун эса ўтган давр мобайнида бутун республика ҳудудларида иқтисодий соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисобини таҳлил этиш ва хулоса чиқариш талаб этилади. Шу маънода Наманган вилояти саноат тармоқларининг иқтисодий ҳолатини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Наманган вилоятининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари-ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йилнинг 2014 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	2	3	4	5	6
1.	Ялпи худудий маҳсулот (ЯХМ) (млрд.сўм)	6150,2	7541,3	8866,9	144,2
2.	Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (минг сўм)	2507,0	2887,8	3374,2	134,6
	шу жумладан:				
3.	Саноат	751,1	1031,3	1246,6	166,0
4.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2155,0	2302,8	2565,2	119,0
5.	Қурилиш	455,8	437,3	564,9	123,9
6.	Хизматлар	2569,4	3543,3	4262,3	165,9
7.	Бошқалар	218,9	226,6	227,9	104,1

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси майдонотлари асосида муаллиф ишланмаси

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016 йилда 2014 йилга нисбатан Наманган вилоятида яратилган ялпи худудий маҳсулот ҳажми 44,2 фоизга ошиб, 8866,9 млрд. сўмга тенг бўлди. Бунинг ҳисобида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 34,6 фоизга ўсиб, 3374,2 минг сўмга етди. Вилоятда бу даражадаги ижобий натижага эришишда авваламбор, саноат тармоғи ва хизматлар

соҳасининг 66,0 фоизга ўсиб мос равишда 1246,6 млрд. сўм ва 4246,3 млрд. сўмни ташкил этиши билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари, жадвал маълумотларидан аниқлаш мумкинки, Наманган вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат тармоқларининг улуши 2014 йилда 12 фоизни ташкил этиб 751,1 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2016 йилда 14,0 фоизга етиб, 8866,9 млрд. сўмга етди. Келтириб ўтилган ўзгаришлардан вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар кўрсатиш улуши 2016 йилда энг юкори 48,1 фоиз, ундан кейинги ўринда эса қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 28,9 фоизни ташкил этган.

Бу эса ўз навбатида Наманган вилоятида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича вазифаларни амалга оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва дастурларда белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ўз хиссасини қўшаётган хизматлар соҳаси ва саноат тармоғини ривожланаётганлигидан далолатdir.

Шуниси аҳамиятлики, Наманган вилоятида саноат тармоғини ривожланишида унинг тармоқларидан металлургия 90,5 млрд. сўмга (2014 йилда 18,3 млрд. сўм), химия ва нефть химияси саноатида 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 65,6 млрд. сўмга, қурилиш материаллари саноатининг 68,7 млрд. сўмга ошиши натижасида амалга оширилган (2-жадвал).

2-жадвал

Наманган вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар буйича маҳсулот ҳажми (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йилнинг 2014 йилга нисбатан ўзгариши, (-,+)
1	2	3	4	5
Электроэнергетика	105,6	119,3	139,7	34,1
Қора металлургия саноати	18,3	10,6	87,2	68,9
Рангли металлургия		0,06	3,3	3,3
Химия ва нефть химияси саноати	15,8	13,6	81,4	65,6
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	227,1	240,9	210,8	-16,3
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз-целлюлоза саноати	43,1	53,1	114,8	71,7
Қурилиш материаллари саноати	83,5	101,5	152,2	68,7
Ойнасозлик саноати (ойнадан медицина жиҳозлари ишлаб чиқариш билан биргаликда) Фарфор-фаянс саноати	0,61	0,86	1,52	0,91
Енгил саноат	86,2	103,9	121,8	35,6
Озиқ-овқат саноати	611,7	815,8	967,2	355,5
Ун-крупа ва комбикорма саноати	135,3	157,8	184,7	49,4
Полиграфия саноати	2,5	2,6	1,6	-0,9
Бошка тармоқлар	63,4	131,4	252,1	188,7
Жами	2168,8	1751,4	2318,3	149,5

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2-жадвал маълумотларига кўра, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғи 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 16,3 млрд. сўм ва полиграфия саноати 0,9 млрд. сўмга камайиб мос равища 210,8 млрд. сўм ва 1,6 млрд. сўмга тенг бўлди. Аммо бу тармоқлардаги салбий натижа бошқа айрим ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қофоз-целлюлоза саноатининг 71,7 млрд. сўм, озиқ-овқат саноатининг 355,5 млрд. сўм ва бошқа тармоқларнинг 188,7 млрд. сўмга ошиши билан қопланди. Бундан кўринадики, вилоятда айрим саноат тармоқларини ривожлантиришга ва уларни истиқболли дастурларини ишлаб чиқишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири – меҳнат ресурсларини ташкил этиш ва самарали тарзда бошқаришdir. Меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш кундан-кунга катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотдаги саноат тармоқлари улушкини ошириш лозим бўлиб, бунинг учун авваламбор, ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда қашлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари (турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик ва бошқалар)ни ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Ушбу корхоналарни ташкил этиш учун вилоятда мавжуд хомашё, ишчи кучи ва салоҳиятнинг етарлилиги корхоналарда меҳнат унумдорлигини оширади. Ишлаб чиқаришнинг бундай моддий техник таъминоти қуидаги йўналишлар бўйича масалаларни ҳал қилишни кўзда тутади:

- саноат корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;
- минимал захиралардан самарали фойдаланиш ва таъминотчи етказиб берувчилар билан алоқани кучайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнини ихчам ташкил қилиш ва белгиланган режани бажариш тамойиллари асосида таъминлаш;
- илмий техника, ишлаб чиқариш, сотиш каби барча фаолият турларини молиялашни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнини зарурий миқдорда мос даражали мутахассислар билан таъминлаш.

Умуман олганда, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг янги шакли, агар у юқори меҳнат унумдорлигини таъминласа, мустаҳкамлашиб боради. Мос равища мөнгат унумдорлиги даражаси, юқори ташкил этиш шаклини тавсифлайди. Унумдорлик кўсаткичи - бошқариш услублари тараққийлигининг энг яхши мезонидир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

2. С.Фишер. и др. Экономика / С. Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи. – М.: Дело, 1997 г., 531 с.
3. Ю.В.Черникова, Б.Г.Юн, В.В.Григорьев. Финансовое оздоровление предприятий. Теория и практика. Москва. Дело. 2009 г., 397 с.
4. Ю.П.Анисин. Финансовая активность и стоимость компаний: аспекты планирования. Москва. Омега-Л. 2011 г., 423 с.
5. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004. 238 бет.
6. Ортиқов А. Саноат иқтисоди. – Т.:Ўзбекистон. Ёшлар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 й.
7. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.